

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАМАРИЗАЕВ АЗИЗБЕК АДХАМАЛИЕВИЧ**

**ПРОСТАТА БЕЗИ ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИ ВА РАК  
КАСАЛЛИГИ ТАШХИСИНИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРДА  
АНИҚЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗ  
ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мамаризаев Азизбек Адхамалиевич**

Простата беги хавфсиз гиперплазияси ва рак касаллиги ташхисини эрта босқичларда аниқланишини такомиллаштириш ва прогноз қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш..... 3

**Мамаризаев Азизбек Адхамалиевич**

Совершенствование ранней диагностики и разработка современных способов прогнозирования доброкачественной гиперплазии и рака предстательной железы ..... 22

**Mamarizaev Azizbek Adxamaliyevich**

Improving early diagnosis and developing modern methods for predicting benign prostatic hyperplasia and prostate cancer..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works  
..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАМАРИЗАЕВ АЗИЗБЕК АДХАМАЛИЕВИЧ**

**ПРОСТАТА БЕЗИ ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИ ВА РАК  
КАСАЛЛИГИ ТАШХИСИНИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРДА  
АНИҚЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗ  
ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.3.PhD/Tib4156 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashmeduni.uz](http://www.tashmeduni.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азимова Севара Баходировна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Сайфуллаева Саида Акрамжоновна**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Яриев Алишер Алижонович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [info@tashmeduni.uz](mailto:info@tashmeduni.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Б.Саидов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнгги ўн йилликларда простата беши касалликлари билан касалланиш кўрсаткичининг ошириб бориши кузатишмоқда, бу эса уларни жиддий тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммо сифатида намоён этмоқда. Простата беши хавфсиз гиперплазияси (ПБХГ) эркаклар орасида энг кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, «.....даволанмаган ПБХГ билан оғриган эркакларда ПБР ривожланиш хавфи илк беш йил ичида 1,4 мартага ошади, 15 йил давомида эса ПБРдан ўлим хавфи 1,7 мартага ортади. Ўртача ҳисобда, 10 йил мобайнида ПБХГ билан оғриган беморларда ПБР ривожланиш хавфи 1,2 мартага кўпайиши аниқланган...»<sup>1</sup>. Шу муносабат билан ПБХГ ва ПБРни эрта ташхислаш, даволаш ҳамда улар ривожланиши хавфини олдини олиш замонавий тиббиётнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда жаҳон тиббиётида ПБХГ ва ПБРни эрта аниқлаш, башоратлаш, даволаш ҳамда профилактика қилиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Простата беши ҳажмининг ёши ортиши билан йиллик ўсиши ўртача 2% ни натижада 35 йил давомида без ҳажми икки баробарга ошади. Шу боис, простата беши хавфсиз гиперплазияси ва онкологик касаллиги ташхисини эрта босқичларини башоратлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда простата беши хавфсиз гиперплазияси ва онкологик касалликларининг эрта босқичларини ташхислашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада простата беши хавфсиз гиперплазияси ва простата беши раки билан хасталанган беморларда SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 генларининг аллеллари учраш даражаси ҳамда генотиплар тақсимооти, простата беши хавфсиз гиперплазияси ва простата беши раки билан хасталанган беморларда SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 генларининг полиморф вариантлари тақсимланиш даражасини таҳлил қилиш, SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 регулятор генлари полиморфизмларининг ПБХГ ва ПБР патогенезидаги башоратлаш тартиби ва простата беши хавфсиз гиперплазияси ва простата беши раки ривожланиш хавфини башорат қилиш мезонлари ва алгоритминини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимини жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан, урологик касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва самарали даволаш борасида муайян чора-тадбирлар малга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида

---

<sup>1</sup> Postma R., Schröder F.H. Screening for prostate cancer // Eur. J. Cancer. – 2021. – Vol. 41, № 6. – P. 825–833.

аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, простата беши хавфсиз гиперплазияси ва рак касаллиги ташхисини эрта босқичларда аниқланишини такомиллаштириш ва башоратлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки жаҳон миқёсида простата беши хавфсиз гиперплазиясини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар изчил равишда давом этмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, простата беши хавфсиз гиперплазияси простата беши раки шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган (Гаманова В.С. ва ҳаммуаллифлар, 2023). ПБХГ ва ПБР шаклланиш механизмларини ўрганиш дунёнинг қатор йирик илмий-тадқиқот марказларида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Простата беши хавфсиз гиперплазиясини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар сони кўп бўлишига қарамасдан, ушбу патологияни эрта ташхислаш ҳамда мазкур беморларда простата беши раки ривожланиш хавфини прогноз қилиш бўйича маълумотлар ханузгача жуда чекланган ҳолда қолмоқда (Натансон М.А., 2020). Бу эса ПБХГ ва ПБРни ўз вақтида ва ишончли аниқлаш самарадорлигини ошириш мақсадида турли молекуляр-генетик бузилишларнинг ролини баҳолашга қаратилган янада чуқур ва комплекс тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини тақозо этади (Д.Ю.Пушкаръ ва ҳаммуал., 2019; З.М.Ахохов ҳаммуаллифлар, 2023). Эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига мувофиқ, ПБХГ тарқалиши 50 ёшли эркекларда 20 %, 60 ёшлиларда 50 %, 70 ёшлиларда 57 % ва 80 ёшли шахсларда 80 % гача

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

етади. Кўплаб илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хавфсиз табиатга эга бўлишига қарамай, простата беzi гиперплазияси прогрессияланувчи касаллик ҳисобланади ва у келгусида простата беzi раки (ПБР) ривожланишига олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар ПБХГ шаклланишининг молекуляр-генетик механизмлари ҳақидаги тасаввурларни сезиларли даражада кенгайтди. Хусусан, Mohamed ва ҳаммуаллифлар (2017) ўз тадқиқотларида простата беzi хавфсиз гиперплазияси билан оғриган беморларда генетик ўзгарувчанликни ўрганган. Шу билан бирга, Эелес Р. ва ҳаммуаллифлар (2017) томонидан ўтказилган тадқиқотларда простата беzi ракининг генетик эпидемиологияси ва унинг клиник оқибатлари таҳлил қилинган. Ших Х.Ж. ва ҳаммуаллифлар (2018) ўз ишларида гиперлипидемия ПБХГнинг клиник жиҳатдан ривожланиш хавфини оширувчи омил эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Рубол М.Ж. ва ҳаммуаллифлар (2020) тадқиқотларида эса хавфни баҳолашга асосланган стратегия простатаспецифик антиген кўрсаткичлари орқали простата беzi ракини аниқлаш самарадорлигини яхшилашни исботлаган. Простата беzi раки ҳолатларининг 80% дан ортиғи ПБХГ фонида ривожланади. Шу билан бирга, аввал ПБХГ сабабли жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларда илк бор аниқланган клиник аҳамиятли ПБР ҳолатлари тахминан 3 % ни ташкил қилади. Энг ишончли илмий маълумотлар ПБХГ ва ПБР ўртасида молекуляр-генетик механизмлар орқали боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди. Бироқ, ҳозирги вақтга қадар ПБХГ ва ПБР билан хасталанган беморларда молекуляр-генетик тадқиқотлар етарли даражада ўтказилмаган, шу сабабли ушбу беморлардаги генетик ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар чекланган. Шу муносабат билан, ушбу беморларда молекуляр-генетик технологияларга асосланган замонавий юқори технологик тадқиқот усуллари қўллаш ПБХГ ва ПБР ривожланиш хавфини ўз вақтида прогноз қилиш, шунингдек, тўғри даволаш тактикасини танлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда урологик касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва самарали даволаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (А.А.Гайбуллаев,2024,2025; Ф.А.Акилов, 2024; 2025), бироқ, простата беzi хавфсиз гиперплазияси ва рак касаллиги ташхисини эрта босқичларда аниқланишини такомиллаштириш ва башоратлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилмаган.

Ҳозирги вақтга қадар ҳам хорижий, ҳам маҳаллий илмий адабиётларда мазкур муаммонинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамиятига қарамасдан, ПБХГ билан оғриган беморларда айрим генларнинг (TP53, SRD5A2, ESR1, CYP17A1) полиморф вариантларининг учраш даражасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар жуда кам учрайди. Юқоирадиган барчаси ушбу ген полиморфизмларининг тарқалиш частотасини, эпителиал гиперплазия шаклланишидаги ролини ва аҳамиятини, шунингдек, ушбу мутацияларнинг простата беzi раки ривожланиш хавфига таъсирини етарли даражада ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 005.01.1500216 «Турли патологик омиллар таъсирида инсон ва экспериментал ҳайвонлар ҳаёт фаолияти кўрсаткичларида юзага келадиган функционал, метаболик ва тузилмавий ўзгаришларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уларни коррекция қилиш йўллари, шунингдек, эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 регулятор генларининг простата беши хавфсиз гиперплазияси ҳамда простата беши раки ривожланиш механизмидаги ўрнини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

простата беши хавфсиз гиперплазияси (ПБХГ) ва простата беши раки (ПБР) билан хасталанган беморларда SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 генларининг аллеллари учрашиш частотаси ҳамда генотиплар тақсимотини баҳолаш;

простата беши хавфсиз гиперплазияси ва простата беши раки билан касалланган беморларда SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 генларининг полиморф вариантлари тақсимланиш даражасини таҳлил қилиш;

SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 регулятор генлари полиморфизмларининг ПБХГ ва ПБР патогенезидаги прогностик аҳамиятини тадқиқ этиш;

простата беши хавфсиз гиперплазияси ва простата беши раки ривожланиш хавфини башорат қилиш мезонларини такомиллаштириш, шунингдек хавфни прогноз қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон давлат тиббиёт институти шифохонасининг урология бўлимида даволанган 106 нафар беморлар, солиштирма гуруҳга текширув вақтида ва анамнезида простата беши хавфсиз гиперплазияси ва простата беши ракининг клиник белгилари кузатилмаган 105 нафар «шартли соғлом» шахслар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида эркаклар популяциясида простата беши саратонига ирсий мойилликни эрта босқичларда SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 ген-регуляторларининг полиморф вариантлари CYP17A1 генидаги мутант G аллели ва G/G генотиби, шунингдек TP53 гени Pro/Arg полиморфизмининг Arg аллели простата беши раки ривожланиш хавфининг ишончли даражада ошиши билан боғлиқлиги баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор эркаклар популяциясида простата беши саратонига ирсий мойилликни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 ген-регуляторларининг полиморф вариантлари бўйича генотип ва аллеллар частотаси комплекс молекуляр-генетик тавсифланиб, уларнинг простата беши раки ривожланиш хавфи билан боғлиқлиги орқали патологиянинг молекуляр механизмидаги ўрни исботланган;

ассоциатив таҳлиллар асосида CYP17A1 генидаги мутант G аллели ва G/G генотиби, ҳамда TP53 гени Pro/Arg полиморфизмининг Arg аллели простата беzi раки ривожланиш хавфининг ишончли даражада ошиши билан боғлиқлик эканлиги аниқланиб, улар онкологик трансформациянинг эрта маркерлари сифатида қўлланилиши мумкинлиги исботланган;

хавфсиз простата беzi гиперплазиясида TP53 генидаги Pro/Pro ва CYP17A1 генидаги A/A қулай генотипларининг мавжудлиги хавли ўсмалар ривожланиш эҳтимолини камайтириши билан боғлиқ протектив аҳамиятга эга эканлиги, SRD5A2 генидаги ноқулай генотипик вариантлар ва ESR1 генидаги A/G гетерозигота генотиби эса хавфсиз пролифератив жараёнларнинг хавfli жараёнга ўтишига кўмаклашиши исботланган;

простата беzi хавфсиз гиперплазияси, простата беzi раки билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳида полиморфизмлар аллел ва генотиплари тақсимотининг қиёсий таҳлили асосида юқори онкологик хавфга эга молекуляр-генетик профиллар ажратилиб, SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 полиморф маркерларини мажмуавий баҳолаш клиник симптомлар пайдо бўлишидан олдин простата беzi ракини эрта ташхислаш воситаси сифатида қўллаш имконияти илмий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

простата беzi хавфсиз гиперплазияси билан беморларда SRD5A2 гени генотипик вариантларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, касалликни эрта башоратлаш, унинг клиник кечиш хусусиятларини белгилаш ҳамда консерватив ва оператив даволаш усулларинидан энг самарали ёндашуви танланган;

TP53 генидаги Pro/Pro ҳамда CYP17A1 генидаги A/A каби қулай генотиплар простата беzi хавфсиз гиперплазияси ташхисланган беморларда простата беzi раки ривожланиш хавфига қарши ҳимоявий аҳамияти очиб берилган;

TP53, SRD5A2 ва CYP17A1 генларининг полиморфизмларини аниқлаш, простата беzi хавфсиз гиперплазияси ва простата беzi раки ривожланиш хавфини эрта башорат қилиш ҳамда касалликнинг клиник кечишини баҳолашда ишончли мезон белгиланган;

простата беzi хавфсиз гиперплазияси ва простата беzi раки ривожланиш хавфи ҳамда клиник кечишини башорат қилиш алгоритми молекуляр-генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда простата безининг эрта ташхислаш ва амалга оширилаётган даволашни индивидуаллаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган ишчилар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи сўровнома, клиник, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ҳамда статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, простата беzi хавфсиз гиперплазияси ва рак касаллиги ташхисини эрта босқичларда аниқланишини такомиллаштириш ва прогноз қилишнинг замонавий усулларини ишлаб

чиқишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар асосида SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 генларининг молекуляр-генетик полиморфизмларини клиник-лаборатор кўрсаткичлари простатаспецифик антиген (ПСА) даражаси билан комплекс баҳолашга асосланган простата бези ракини ташхислаш ва башпоратлаш алгоритми таклиф этиш ва уни назарий асослари яратилганлиги билан изҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти простата бези ракини эрта аниқлаш, юқори онкологик хавф гуруҳларини шакллантириш ҳамда беморларни олиб бориш тактикасини индивидуаллаштириш мақсадида молекуляр-генетик скринингни клиник амалиётга жорий этиш, простата бези ракининг кеч ташхисланадиган шакллари улушини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишга хизмат қилиши билан изҳоланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Простата бези хавфсиз гиперплазияси ва рак касаллиги ташхисини эрта босқичларда аниқланишини такомиллаштириш ва прогноз қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор эркаklar популяциясида простата бези саратонига ирсий мойилликни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 ген-регуляторларининг полиморф вариантлари бўйича генотип ва аллеллар частотаси комплекс молекуляр-генетик тавсифланиб, уларнинг простата бези раки ривожланиш хавфи билан боғлиқлиги орқали патологиянинг молекуляр механизмларидаги ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралда б1-12/у-сон билан тасдиқланган «Совершенствование ранной диагностики и разработка современных способов прогнозирования доброкачественной гиперплазии и рака предстательной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп таромакли тиббиёт маркази бўйича 11.04.2025 йилдаги 82/Ф-сон, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 02.04.2025 йилдаги б1-сон, Андижон давлат тиббиёт институтининг Ю.Отабеков номидаги шифохонаси бўйича 11.04.2025 йилдаги 53i/ч-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 октябрдаги 30/45-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эркаklar популяциясида илк бор простата бези саратонига ирсий мойилликни эрта босқичларда аниқлашга қаратилган ҳолда SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 ген-регуляторларининг полиморф вариантлари бўйича генотип ва аллеллар частотасининг комплекс молекуляр-генетик тавсифи, полиморфизмларнинг простата бези раки ривожланиш хавфи билан боғлиқ ассоциациялари таҳлили патологиянинг

молекуляр механизмлари ўрни хасталикнинг асоратларни олдини олиш, шикоятлар сонини камайтириш, қоннинг клиник-биокимёвий кўрсаткичларини, саломатлигини ва ҳаёт сифатини яхшилаш, умр кўриш давомийлиги ошириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 446000 сўм маблағлар ишлаб чиқилган комплекс молекуляр-генетик тавсифидан фойдаланиш орқали шифохонада даволаниш кунларини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* ассоциатив таҳлиллар асосида CYP17A1 генидаги мутант G аллели ва G/G генотиби, ҳамда TP53 гени Pro/Arg полиморфизмининг Arg аллели простата бези раки ривожланиш хавфининг ишончли даражада ошиши билан боғлиқлик эканлиги аниқланиб, улар онкологик трансформациянинг эрта маркерлари сифатида қўлланилиши мумкинлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралда бi-12/у-сон билан тасдиқланган «Совершенствование ранной диагностики и разработка современных способов прогнозирования доброкачественной гиперплазии и рака предстательной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп таромоқли тиббиёт маркази бўйича 11.04.2025 йилдаги 82/F-сон, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 02.04.2025 йилдаги 61-сон, Андижон давлат тиббиёт институтининг Ю.Отабеков номидаги шифохонаси бўйича 11.04.2025 йилдаги 53i/ch-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 октябрдаги 30/45-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ассоциатив таҳлиллар асосида CYP17A1 генидаги мутант G аллели ва G/G генотиби, TP53 гени Pro/Arg полиморфизмининг Arg аллели простата бези раки ривожланиш хавфининг ишончли даражада ошиши билан боғлиқлиги, онкологик трансформациянинг эрта маркерлари сифатида баҳолаш тартиби касалликнинг хавфи ва шикоятлар сонини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 125000 сўм маблағлар ишлаб чиқилган тартибдан фойдаланиш орқали касалликнинг кеч аниқланадиган босқичларини эрта ташхислаш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* хавфсиз простата бези гиперплазиясида TP53 генидаги Pro/Pro ва CYP17A1 генидаги A/A қулай генотипларининг мавжудлиги хавли ўсмалар ривожланиш эҳтимолини камайтириши билан боғлиқ протектив аҳамиятга эга эканлиги, SRD5A2 генидаги ноқулай генотипик вариантлар ва ESR1 генидаги A/G гетерозигота генотиби эса хавфсиз пролифератив жараёнларнинг хавfli жараёнга ўтишига кўмаклашиши исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралда бi-12/у-сон билан тасдиқланган «Совершенствование ранной

диагностики и разработка современных способов прогнозирования доброкачественной гиперплазии и рака предстательной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп таромоқли тиббиёт маркази бўйича 11.04.2025 йилдаги 82/F-сон, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 02.04.2025 йилдаги 61-сон, Андижон давлат тиббиёт институтининг Ю.Отабеков номидаги шифохонаси бўйича 11.04.2025 йилдаги 53i/ch-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 октябрдаги 30/45-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* простата беги гиперплазиясида TP53 генидаги Pro/Pro ҳамда CYP17A1 генидаги A/A каби қулай генотиплар мавжудлиги хавли ўсмалар ривожланиш эҳтимолининг пасайиши билан ассоциацияланиши касалликнинг эрта босқичларида протектив аҳамиятга эгалиги, SRD5A2 генидаги ноқулай генотипик вариантлар ҳамда ESR1 генидаги A/G гетерозигот генотипи хавфсиз пролифератив ўзгаришларнинг хавфли жараёнга ўтишига кўмаклашиши онкологик башоратлаш учун муҳим аҳамият касб этиши асоратлар сонини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш, ходимларининг умумий саломатлигини яхшилаш, касбий омиллар билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 446000 сўм маблағлар простата беги гиперплазиясида TP53 генидаги Pro/Pro ҳамда CYP17A1 генидаги A/A каби қулай генотиплар мавжудлиги хавфли ўсмалар ривожланиш эҳтимолининг пасайиши орқали шошилиш жарроҳлик амалиётлари сонини камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* простата беги хавфсиз гиперплазияси, простата беги раки билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳида полиморфизмлар аллел ва генотиплари тақсимодининг қиёсий таҳлили асосида юқори онкологик хавфга эга молекуляр-генетик профиллар ажратилиб, SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 полиморф маркерларини мажмуавий баҳолаш клиник симптомлар пайдо бўлишидан олдин простата беги ракини эрта ташхислаш воситаси сифатида қўллаш имконияти илмий жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралда б1-12/у-сон билан тасдиқланган «Совершенствование ранной диагностики и разработка современных способов прогнозирования доброкачественной гиперплазии и рака предстательной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилояти кўп таромоқли тиббиёт маркази бўйича 11.04.2025 йилдаги 82/F-сон, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 02.04.2025 йилдаги 61-сон, Андижон давлат тиббиёт институтининг Ю.Отабеков номидаги шифохонаси бўйича 11.04.2025 йилдаги 53i/ch-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 2 октябрдаги 30/45-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* простата беги хавфсиз

гиперплазияси, простата беги раки билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳида ўрганилган полиморфизмларнинг аллеллари ҳамда генотиплари тақсимотининг қиёсий таҳлили, юқори онкологик хавфга эга молекуляр-генетик профиллар ажратиш, илк бор SRD5A2, TP53, ESR1 ва CYP17A1 полиморф маркерларини мажмуавий баҳолаш клиник жиҳатдан ифодаланган симптомлар пайдо бўлишидан олдин простата беги ракини эрта ташхислаш воситаси сифатида қўллаш орқали касалликни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги*: мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 176000 сўм маблағлар соғлиқни сақлаш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кечки босқичлардаги қиммат даволаш харажатларини қисқартириш ва асосиз госпитализациялар сонини камайтириш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Простата беги хавфсиз гиперплазияси замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси сифатида (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий манбалар асосида мазкур муаммонинг этиологияси ва морфогенези бўйича замонавий ҳолатига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Бобда ПБХГнинг этиологияси ва патогенези, ривожланиш механизмлари, полипларнинг гистологик таснифи, аниқланган гиперплазия ўчоқларининг морфологик тузилиши ва морфометрик кўрсаткичлари илмий ва амалий маълумотлар таҳлили асосида баён этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқотлар Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг урология бўлимида стационар даволанган 106 нафар беморда комплекс клиник-лаборатор текширув ўтказилгани кўрсатилган. Олинган маълумотлар асосида киритиш ва чиқариш мезонларига мувофиқ икки тажрибавий кичик гуруҳ шакллантирилган: биринчи гуруҳга (n=74) простата беги хавфсиз гиперплазияси ташхиси қўйилган беморлар, иккинчи гуруҳга (n=32) эса простата беги раки ташхиси билан беморлар киритилган.

Таққослаш гуруҳини шакллантириш мақсадида тадқиқот гуруҳи беморларига ёши бўйича мос келувчи, анамнезида ПБХГ ва ПБРга оид клиник белгилари мавжуд бўлмаган 105 нафар шартли соғлом, ўзаро қариндош бўлмаган шахслардан олинган геном ДНК намуналари танлаб олинган ( $p > 0,05$ ).

SRD5A2 генидаги rs523349, ESR1 генидаги rs9340799, CYP17A1 генидаги rs743572 ва TP53 генидаги rs1042522 полиморф маркерларининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частоталари простата беги хавфсиз гиперплазияси ҳамда простата беги раки ташхиси қўйилган беморларда ва шартли соғлом шахслар гуруҳида ўрганилди. Тадқиқот доирасида Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг урология бўлимида стационар даволанган 106 нафар простата беги касалликлари билан оғриган бемор ва ёши ҳамда жинси бўйича мувофиқ танлаб олинган 105 нафар шартли соғлом шахслар кенг қамровли клиник, биохимик ва молекуляр-генетик текширувлардан ўтказилди.

Генетик мутацияларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази гематологиясининг молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари бўлимида профессор Каримов Х.Я. раҳбарлигида ҳамда тиббий генетика лабораториясида, унинг мудирини профессор Бобоев К.Т. раҳбарлигида амалга оширилди.

Аллел частоталарини ҳисоблаш стандарт формулалар асосида амалга оширилди. Простата беги раки ривожланиш хавфини баҳолаш, шунингдек асосий ва назорат гуруҳларида аллел ҳамда генотип частоталарини таққослашда Пирсоннинг  $\chi^2$  тести, odds ratio (OR) ва 95% ишонч оралиғи ҳисоблаб чиқилди. Статистик ҳисоб-китоблар OpenEpi 2009 (Version 2.3) дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилди. Олинган кўрсаткичларнинг ишончлилик даражаси Студентнинг t-тести ёрдамида баҳоланди ва  $p \leq 0,05$  қийматлар статистик аҳамиятли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «ПБХГ ва ПБР билан касалланган беморларда **SRD5A2, TP53, ESR1** ва **CYP17A1** генлари аллеллари ҳамда генотиплари тақсимланишининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида простата беги хавфсиз гиперплазияси ва простата беги раки патогенезида SRD5A2, ESR1, CYP17A1 ҳамда TP53 генларидаги полиморфизмларнинг аҳамияти, уларнинг тақсимланиш частотаси таҳлил қилинган.

Тадқиқ этилган популяцияда CYP17A1 генининг T-34C полиморфизми бўйича А аллелининг устунлиги қайд этилди. Шу билан бирга, простата беги раки билан касалланган беморларда G аллели ҳамда G/G генотипининг нисбий кўпайиши аниқланиб, бу ушбу генетик вариантларнинг злокачестволашув хавфининг ошиши билан боғлиқ эканини кўрсатади. Назорат гуруҳида А аллели ва А/А генотипининг устунлиги мазкур полиморфизмнинг протектив аҳамиятини тасдиқлайди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳларида CYP17A1 генидаги T-34C полиморфизмининг аллел ва генотип частоталарининг тақсимланиши

№	Гуруҳ	Аллел частотаси				Генотип частотаси					
		А		G		A/A		A/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ (n = 106)	135	63.68	77	36.32	47	44.34	41	38.68	18	16.98
2	ПБХГ(n = 74)	98	66.22	50	33.78	35	47.3	28	37.84	11	14.86
3	ПБР (n = 32)	37	57.81	27	42.19	12	37.5	13	40.63	7	21.88
4	Назорат гуруҳи (n = 105)	160	76.19	50	23.81	64	60.95	32	30.48	9	8.57

SRD5A2 генининг Val89Leu полиморфизми бўйича тадқиқ этилган популяцияда асосий ва назорат гуруҳларида А аллелининг устунлиги аниқланди. Шу билан бирга, простата беги раки билан касалланган беморларда G аллели ҳамда G/G генотипининг нисбий кўпайиши кузатилиб, бу ушбу генетик вариантларнинг злокачестволашув хавфининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Назорат гуруҳида генотиплар нисбатан мувозанатли тақсимланган бўлиб, бу генетик жиҳатдан қулай фон мавжудлигини акс эттиради (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳларида SRD5A2 генидаги Val89Leu полиморфизмининг аллел ва генотип частоталарининг тақсимланиши

N	Гуруҳ	Аллел частотаси				Генотип частотаси					
		А		G		A/A		A/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ (n = 106)	135	63.68	77	36.32	47	44.34	41	38.68	18	16.98
2	ПБХГ(n = 74)	102	68.92	46	31.08	37	50	28	37.84	9	12.16
3	ПБР (n = 32)	33	51.56	31	48.44	10	31.25	13	40.63	9	28.13
4	Назорат гуруҳи (n = 105)	137	65.24	73	34.76	48	45.71	41	39.05	16	15.24

ESR1 генининг G2014A/Thr594Thr полиморфизми таҳлили барча тадқиқ этилган гуруҳларда А аллелининг яққол устунлигини ҳамда G аллелининг жуда кам учрашини кўрсатди. Генотиплар тақсимотида А/А варианты асосий ўринни эгаллаб, А/G гетерозигот генотипи чекланган миқдорда аниқланди,

G/G генотиби эса умуман кузатилмади. Ушбу ҳолат мазкур полиморфизмнинг паст генетик хилма-хилликка эга эканини ва G аллелининг клиник аҳамияти чекланганлигини кўрсатади (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Асосий ва назорат гуруҳларида ESR1 генидаги G2014A/Thr594Thr полиморфизмининг аллел ва генотип частоталарининг тақсимланиши**

№	Гуруҳ	Аллел частотаси				Генотип частотаси					
		A		G		A/A		A/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ (n = 106)	207	97.64	5	2.36	101	95.28	5	4.72	0	0
2	ПБХГ(n = 74)	145	97.97	3	2.03	71	95.95	3	4.05	0	0
3	ПБР (n = 32)	62	96.88	2	3.13	30	93.75	2	6.25	0	0
4	Назорат гуруҳи (n = 105)	208	99.05	2	0.95	103	98.1	2	1.9	0	0

TP53 генининг Pro/Arg полиморфизми бўйича барча гуруҳларда Pro аллелининг устунлиги аниқланиб, Arg аллели нисбатан кам учраши қайд этилди. Простата беши раки билан касалланган беморларда Arg аллели ҳамда Pro/Arg ва Arg/Arg генотипларининг нисбий кўпайиши кузатилиб, бу уларнинг злокачестваулашув жараёнлари билан боғлиқ салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Назорат гуруҳида Pro/Pro генотипининг устунлиги эса генетик жиҳатдан нисбатан қулай фон мавжудлигини англатади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Асосий ва назорат гуруҳларида TP53 генидаги Pro/Arg полиморфизмининг аллел ва генотип частоталарининг тақсимланиши**

№	Гуруҳ	Аллел частотаси				Генотип частотаси					
		Pro		Arg		Pro/Pro		Pro/Arg		Arg/Arg	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
